

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ  
таълими вазирига

**Нусхаси:** Қорақалпоғистон Республикаси  
прокурорига

**Нусхаси:** Қорақалпоғистон Республикаси ДХХга

**Нусхаси:** Қорақалпоғистон Республикаси  
Молия вазирлигига

**Нусхаси:** Беруний тумани прокурорига

**Нусхаси:** Беруний тумани Халқ таълими бўлимига

**Нусхаси:** Беруний тумани ДХХга

**Нусхаси:** Беруний тумани Молия бўлимига

Амударё тумани, Қиличбой ОФЙда  
доимий рўйхатда туриб, Беруний тумани,  
Турон маҳалласида вақтинча рўйхатда  
туриб яшаб келаётган Ибадуллаев Зухра  
Абдуллаевна томонидан 90-70677-37

### А Р И З А

Бераман ушбу аризани шу ҳақдаким, Мен 2020 йилнинг 11 декабрь куни Беруний туманидаги 27-сонли умумтаълим мактабига психолог лавозимида ишга қабул қилидим ва шу кундан буён ушбу лавозимда ишлаб келмоқдаман.

2021 йилнинг 23 февраль куни эрталаб соат тахминан 15:50 ларда, директор ўринбосари Илхом ака менга кўнғироқ қилиб, менинг лавозимим 2021 йил 01 февраль кунидан сакрашенияга тушганлигини, шу боис дарҳол бош ҳисобчи билан гаплашишимни ва менга февраль ойига иш ҳақи ёзиб юбормаслиги кераклигини айтишимни тайинлади.

Меҳнат кодексининг 154-моддасида “Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ меҳнат Кодексининг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт”, -деб белгилаб қўйилган.

Февраль ойи 28 кундан иборат бўлса, шунинг 23 кунини белгиланган тартибда ишлаган бўлсам, шу ишлаган даврим учун менга иш ҳақи берилмаслиги қонунийми?

2. Бундан ташқари, директор ўринбосари менга иш жойимга сакрашения келганлигини айтиб, ишча чиқмаслигимни тайинлади. Мен оила аъзоларим билан бирга халқ таълими бўлимига бориб бу ҳақда сўрасам, ҳеч қандай



сакрашения йўқлигини айтишди. Ушбу ҳолатда мени ишдан қолдириб ўрнимга бошқа одамни олишни режалаштиришган деган фикр пайдо бўлди. Ушбу ҳолатни ўрганиб, қонуний тартибда текшириб беришингизни сўрайман.

3. Ҳурматли раҳбарлар, Сизларга мен аввало ўзимнинг оилавий аҳволимни тушунтирсам.

Ўзим Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида доимий рўйхатда туриб яшайман. Турмуш ўртоғимнинг иши бўйича Беруний туманига кўчиб келишга мажбур бўлдик ва бугунги кунда Беруний тумани, Турон маҳалласида оила аъзоларим билан ижарада, ҳар ойига 700.000 сўмдан пул тўлаб яшаб келмоқдамиз.

-2 нафар фарзандим бор, ҳар иккаласи ҳам Беруний туманидаги “Смард кидс” мактабгача таълим ташкилотида тахсил олади, уларнинг боғчасига ҳар ойда 200.000 (икки юз минг) сўмдан тўлаб келмоқдамиз.

-Оилавий аҳволимиз яхши бўлмаганлиги боис, Саноатқурилиш ҳамда Капитал банкларидан кредит олганмиз ва бугунги кунда ҳар ойда 2.750.000 (икки миллион етти юз элик минг) сўм кредит тўлаб келмоқдамиз.

-юқоридагилардан ташқари, коммунал хизматлар учун (сув, газ, свет) ҳар ойига ўртача 500.000 (беш юз минг) сўмдан тўлаб келмоқдамиз.

Рўзғоримиз фақат турмуш ўртоғимнинг маошига қараган, бошқа ҳеч қандай даромадимиз йўқ.

Ҳар ойда жами тўловларимиз 4.150.000 сўмдан ошади. Мен юқорида қайд қилинган барча гапларимни тасдиғи сифатида тўлов квитанцияларимни тақдим қилишим мумкин.

-Мен ушбу оилавий аҳволимни мактабимиз директори **Хасанова Гулнора** опага тушунтириб, ҳеч бўлмаганда ярим ставка дарс беришини сўрасам, дарс бермаслигини, ўзи ўқитувчиларга дарс етишмаётганлигини айтиб, номутахассислик бўйича психолог қилиб олган эди. Лекин мен шу ерда ишлаб юриб кўрдимки, кўпчилик ўқитувчилар **30 соат, 31 соатдан** дарс ўтиб келмоқда.

Қонунчилик бўйича бир иш жойининг ўзида шунча соат ўтиш мумкинми?

Қонун нуқтаи назаридан бунга рухсат этилган тақдирда ҳам инсонгарчилик нуқтаи назаридан кимдир вазияти, шароити оғир бўлиб, ҳеч бўлмаганда ярим ставка дарсга мухтож бўлиб турган бир пайтда, наҳотки бошқа барча ўқитувчилар 30 ва ундан ортиқ соатда ишлашса?

Ҳаммамиз ҳам бола-чақа, фарзанд учун елиб-югурамиз, **шу мактабда 28-30 соатлаб дарс бераётган, ўқитувчиларнинг аҳволи меникидан оғир эмаску? Менга ўхшаб ижарада, мусофирчиликда ишлаб юрганлари йўқку?**

Юқорида қайд қилинганларни ҳамда мени оилавий шароитимни инобатга олиб, менга 1 ставка дарс берилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Шунингдек, мактабимиздаги ўқув соатлари тақсимланишини ҳам текшириб, адолатли тақсимланишини таъминлаб беришингизни сўрайман.

Шу билан бирга, ортиқча дарс ўтиб, қонун бузилиш ҳолатларига ҳамда адолат, тенглик принциплари бузилишига йўл қўйган масъул ходимларни ҳам интизомий жавобгарлик масаласини ҳал қилиб беришингизни сўрайман.



Ибадуллаева Зухра Абдуллаевна.